“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Соғлиқни сақлаш вазирилиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори

DEVONXONA

__________С.Х. Кариев

2021 “ 27 ” декабрь

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил учун
# ИШ РЕЖАСИ

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | |
| 1 | Фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Европа Иқтисодий Иттифоқи ҳужжатлари билан уйғунлаштириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК |
| 2 | Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг маҳаллий стандартларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилишини таъминлаш; | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК |
| 3 | Онкологик касалликларнинг оғир ва даволаб бўлмайдиган босқичидаги беморлар учун оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни белгиланган тартибда республикада рўйхатдан ўтказиш чораларини кўриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил март | “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК |
| 4 | Фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш:<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон Фармони; | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2022 йил II чорак | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон Фармони;<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон қарори;<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғидаислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон қарори;<br>- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарори;<br>- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 1 августдаги 641-сон қарори. | | | |
| **II. Фармацевтика тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари** | | | | |
| 5 | Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарининг экспорт салоҳиятини юксалтириш мақсадида маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларини қоплаб бериш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| 6 | Фармацевтика маҳсулотларининг янги турларини яратиш бўйича илмий ишланмаларни ташкил этиш учун Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга грантлар тақдим этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| 7 | Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори воситаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан офсет контракт асосида давлат харидлари тизимини жорий этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил ноябрь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| **III. Фармацевтика маҳсулотлари сифатини халқаро стандартларга мувофиқ таъминлаш** | | | | |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 8 | Республикада фаолият юритаётган дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва улгуржи реализация қилишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотларда Зарур амалиётлар (GxP) халқаро стандартларини жорий қилиш ишларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | “Зарур амалиётлар маркази” ДУК |
| 9 | Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик бўйича сертификатлаш мақсадида фармацевтик инспекциялар ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | “Зарур амалиётлар маркази” ДУК |
| **IV. Фармацевтика маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқиш** | | | | |
| 10 | Агентлик таркибидаги илмий тадқиқот институтлари томонидан ишлаб чиқилган ишланмаларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришга жорий этиш чораларини кўриш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, «Шарқ табобати» илмий-тадқиқот институти |
| 11 | Республикада ишлаб чиқарилмаётган импорт қилинаётган дори воситаларини аниқлаш орқали, тахлилини юритиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга уларни маҳаллийлаштириши учун тақдим этиб бориш. | Ташкилий чора-тадбирлар | ҳар чоракда | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| 12 | Импортни оптималлаштириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан йил якунига қадар 260 номдаги фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| 13 | Онкологияга қарши препаратлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| **V. Тиббиёт буюмлари, тиббий техника ҳамда дори воситаларини, шу жумладан доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланган дори воситаларини ишлаб чиқариш** | | | | |
| 14 | Доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш зарур амалиёти қоидаларини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил сентябрь | “Зарур амалиётлар маркази” ДУК |
| 15 | Аҳолининг тиббий маданиятни ошириш, доривор ўсимликлар ҳамда улардан ишлаб чиқарилган дори воситаларини афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғибот қилиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 16 | Доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| 17 | Республика худудларида етиштириладиган доривор ўсимликларни қайта ишловчи маҳаллий корхоналар рўйхатини шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| **VI. Экспорт салоҳиятини кенгайтириш** | | | | |
| 18 | 2021 йилда фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ва «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери саноат зонасини ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида «роуд-шоу»лар ҳамда бизнес форумларни ташкил этиш ва ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил давомида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги |
| **VII. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш** | | | | |
| 19 | Фармацевтика техника университети фаолиятини ташкил этиш, 2022-2023 ўқув йили учун талабаларни ўқув жараёнларига қабул қилишни бошлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил сентябрь-октябрь | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) |
| 20 | Фармацевтика техник университетининг кадрлар захирасини шакллантириш бўйича танлов орқали танлаб олинган иқтидорли кадрларни Буюк Британия университетларига магистратура йўналишида таълим олиши учун ўқишга юбориш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил декабрь | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) |
| 21 | Агентлик таркибидаги институт илмий тадқиқотларининг асосий йўналишлари бўйича илмий конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил режа асосида | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) |